Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOŞKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1995 йил 13 май, шанба • № 38 (10.714) • Эркин нархда сотилади

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИДА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ЎЗ ВАҚТИДА ЎТКАЗИЛИШИ УЧУН КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИНИНГ МАСЪУЛИЯТИНИ ОШИРИШ БОРАСИДАГИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Корхона ва ташкилотларнинг молиявий аҳволини мустаҳкамлаш, етказиб берилган маҳсулот, бажарилган ишлар ва хизматлар учун истеъмолчиларнинг ўз вақтида ҳисоб-китоб қилишларини таъминлаш, халқ хўжалигида тўлов интизомининг аҳволи учун раҳбарларнинг масъулиятини ошириш мақсадида:

1. Барча мулкчилик шаклларидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг истеъмолчиларга ва буюртмачиларга, агар улар етказиб бериладиган (бажариладиган ишлар, хизматлар) қийматининг камида 15 фоизини олдиндан тўламасалар, маҳсулот жўнатиши, ишларни бажариши ва хизматлар кўрсатиши тақиқлансин.

2. Товарлар амалда жўнатилган, ишлар бажарилган, хизматлар кўрсатилган кундан бошлаб олтмиш кун ўтгандан кейин, етказиб берилган товарлар, кўрсатилган хизматлар ва бажарилган ишлар учун маблағлар келиб тушмаганлиги муддати ўтиб кетган дебиторлик қарзи деб ҳисоблансин.

Муддати ўтиб кетган дебиторлик қарзи мавжудлигига йўл қўяётган корхона раҳбарлари ва бош бухгалтерларига нисбатан жуда қаттиқ маъмурий ва моддий жавобгарлик чоралари, ҳатто жиноий жавобгарликка тортиш чораси кўлланилсин.

3. Ўзбекистон Республикасининг Прокуратураси тўлов қобилиятига эга бўлмаган истеъмолчиларга маҳсулот етказиб бераётган (ишлар, хизматларни бажараётган) мансабдор шахсларни жавобгарликка, шу жумладан жиноий жавобгарликка тортиш устидан назоратни кучайтирсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, солиқ идоралари:

муддати ўтиб кетган дебиторлик қарзи мавжуд бўлган тақдирда барча мулкчилик шаклидаги корхона ва ташкилотларнинг раҳбарларига, шунингдек мазкур корхоналарнинг бош бухгалтерларига;

Корхоналарнинг ҳисоб варақларида тегишли маблағлар мавжуд бўлгани ҳолда тўловларни ўтказишнинг белгиланган муддатларини бузган тижорат банклари филиалларининг раҳбарларига ва бош бухгалтерларига энг оз иш ҳақи миқдорининг беш бараваридан етти бараваригача миқдорда маъмурий жарима солдилар.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банкларининг тўловларни ўз вақтида ўтказишлари ва уларнинг ўзаро ҳисоб варақларининг ҳолати устидан доимий назоратни таъминласин, корхоналарнинг ҳисоб варақларидан тўловлар ўтказилишини кечиктиришга мунтазам суратда йўл қўяётган тижорат банкларининг филиалларини тугатишгача бўлган чораларни кўрсин:

6. Ўзбекистон Республикасининг Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитаси вазирликлар, давлат қўмиталарининг ҳамда бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви идораларининг корхоналар ва ташкилотлар бўйича дебиторлик-кредиторлик қарзи, шу жумладан муддати ўтиб кетган қарздорлик ҳолати тўғрисида ҳар ойлик статистика ҳисоботини ишлаб чиқсин ва 1995 йилнинг июлидан жорий этсин.

7. Ўзбекистон Республикасининг Олий хўжалик суди Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси, давлат мулки қўмитаси ва адлия вазирлиги билан биргаликда тўлов қобилиятига эга бўлмаган хўжалик субъектларининг касодга учраганлиги тўғрисида белгиланган тартибда ишларни қўзғатиш борасидаги фаолиятни кучайтирсин.

8. Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги амалдаги қонунларга мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга оид таклифларни бир ҳафта муддат ичида Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

9. Ушбу Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 12 май.

ЧИРЧИҚ ШАҲРИ МЕҲНАТКАШЛАРИГА

Қадрли дўстлар, азиз биродарлар!

Чирчиқ шаҳри ташкил этилганлигининг 60 йиллиги билан барчангизни самимий қутлайман.

Ўзбекистон саноатининг дастлабки пойдеворлари барпо этилган бу гўзал маскан меҳнат аҳлининг ғайрат-шижоати билан бунёд этилди, гуркираб ўсди, ривожланди, салмоқли тараққиёт йўлини босиб ўтди.

Шаҳар корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида машҳур. Чирчиқлик кимёгарлар, машинасозлар, энергетиклар, металлурглар, қурувчилар ва барча меҳнаткашлар қадрдон шаҳарларининг камолот ёши билан фахрланса арзийди. Чирчиқ — мустақил мамлакатимиз халқлари ўртасидаги чинакам дўстлик, аҳиллик ва уюшқоқлик, она Ватанга садоқат ва фидойилик рамзидир. Бугун бу навқирон шаҳарда 70 дан ортиқ миллат вакиллари ягона оила фарзандларидек елкама-елка меҳнат қилиб, халқ хўжалигини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Сизларга, қадрли биродарлар, сиҳат-саломатлик ва хотиржамлик тилайман.

Хонадонингиздан осойишталик, бахт-саодат ва омад ҳеч қачон аримасин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 12 май.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ШАҲАР МЕҲНАТКАШЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига қўшаётган ҳиссаси, халқ хўжалиги тармоқларидаги фидокорона хизмати ҳамда жамоат ҳаётида фаол иштирок этаётгани учун қуйидагиларга Фахрий унвонлар берилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН САНОАТ ХОДИМИ»

АКРОМОВ Баҳодир Комилович — «Электрокимёсаноат» ишлаб чиқариш бирлашмаси катализатор цехининг бошлиғи

ВОЛГИН Виктор Алексеевич — «Ўзбеккимёмаш» ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси

ЖАМБАЕВ Ботирали Жумабаевич — Ўзбекистон ўтга чидамли ва қийин эрийдиган металлар комбинатининг аппаратчиси

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ҚУРУВЧИ»

АБДУҲАМИДОВ Фарҳод Абдусаматович — «Чирчиққурилиш» ҳиссадорлик жамияти кенгаши раиси

БЕГМАТОВ Нигматжон Бегматович — «Чирчиқ қурилиш ашёлари ва металл қурилмалари» ҳиссадорлик жамияти бошқарувининг раиси

ШУРАВИН Юрий Алексеевич — «Чирчиққурилиш» ҳиссадорлик жамияти темир-бетон йиғувчиси

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ХАЛҚ МАОРИФИ ХОДИМИ»

МУРОДОВА Клара Муҳамедовна — Чирчиқ шаҳридаги 12-ўрта мактаб ўқитувчиси

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМИ»

ҚОДИРОВА Октябрхон — Чирчиқ шаҳар саноат корхоналари бирлашган шифохонаси кўз касалликлари бўлимининг мудири

ВА ҚУЙИДАГИЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАНСИН:

АЗИЗХЎЖАЕВ Дониёр Тошхўжаевич — Чирчиқ шаҳар ҳокими

АСАНОВ Имран Якубович — «Ўзбеккимёмаш» ҳиссадорлик жамияти темир йўл цехи бошлиғи

ИБРАГИМОВА Мамлакат Мирпайзиевна — Чирчиқ шаҳар туғруқхонасининг акушер-гинекологи

ИСЛОМОВ Собир — Чирчиқ шаҳар коммунал-фойдаланиш бошқармасининг автомобиль ҳайдовчиси

КАДНИКОВ Анатолий Алексеевич — «Трансформатор» заводининг йиғувчи-созловчиси

КУЛАГИНА Людмила Дмитриевна — «Капролактам» қўшма корхонасининг лаборанти

КИМ Ирина Николаевна — «Ғунча» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бичувчиси

МАЕҚУБОВ Тўлқин Каримович — «Чирчиққишхўжмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг ўринбосари

РАСУЛОВ Тўғон Камолович — «Ўзагрокурилишмеханизация» трести 424-сон кўчма колоннасининг бош муҳандиси

ТИЛЛАЕВ Аъзам Тиллаевич — «Бахт» ҳиссадорлик жамияти раисининг ўринбосари

ТОНКИХ Надежда Ивановна — пенсионер

ШАРИПОВ Наим Фармонович — «Чирчиққурилиш» ҳиссадорлик жамияти ижрочи директорининг ўринбосари

ШИВАРЕВ Александр Николаевич — Ўзбекистон ўтга чидамли ва қийин эрийдиган металлар комбинатининг фрезерчиси

ЭГАМБЕРДИЕВ Дадахон Жўраевич — «Электрокимёсаноат» ишлаб чиқариш бирлашмасининг аппаратчиси

ЁҚУБОВ Фаттоҳ Ғофурович — пенсионер

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 11 май.

Янгийўл шаҳрида иккинчи жаҳон урушининг машаққатли йўлларини босиб ўтган уруш фахрийлари — шифокорларнинг учрашуви бўлди. Шаҳар ҳокимлиги вакиллари ҳамда касбдошлар уларни қизғин табриклаб, эсдалик совғалари топширишди. Кекса шифокорлар паркентлик Тўхтамурод Аҳмедов ва олмалиқлик Тожихон Аъзамов эса 57 йилдан сўнг учрашишди. Неча йиллардан буён бир-бирини излаб юрган дўстлар Ғалаба байрами куни дийдор кўришдилар.

Суратда: учрашув пайти.

Ф.ҚУРБОНБОЕВ (ЎЗА) олган сурат.

ЎТГАНЛАРНИ ЁД ЭТИБ

Ғалабанинг 50 йиллиги арафасида барча жойда бўлгани каби Чиноз қишлоқ хўжалиги техникумида ҳам «Шонли ғалаба» деб номланган кеча ўтказилди. Тантанага техникумнинг собиқ жангчи-ўқитувчилари ва фахрийлари таклиф этилди. Тантанани техникум директори А.Абдукаримов очди.

— Ёвуз душман устидан Ғалаба қозонилганига 50 йил тўлган бўлсада қалбларда ҳамон унинг жароҳатлари бор, — дейди уруш қатнашчиси Ҳ.Исмоилов, — Биз Ғалаба байроғи билан азиз она қишлоғимизга қайтдик. Ҳамиша мусаффо осмонимизда тинчлик қуёши порласин.

Шундан сўнг 315-гуруҳ талабалари уруш ҳақида адабий композиция, «Жасур разведкачи» асаридан парча намойиш этишди. Шунингдек, кечада ғалабага бағишланган куй-қўшиқлар, турли миллат рақслари ижро этилди. Кеча сўнггида техникум директорининг ўринбосари С.Зайниддинов сўзга чиқиб, фахрийларга мустаҳкам соғлиқ ва узоқ умр тилаб, эсдалик совғалари топширди.

Т. ЭРХЎЖАЕВ.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

Бизнинг супермаркетлар

МУҲИМИ — ХАРИДОРНИНГ МАМНУНЛИГИ

Куни-кеча Паркент тумани марказида вилоятимизда биринчи хусусий «Дилноза» супермаркет дўкони иш бошлади. Унинг биринчи қаватида турли хил нон, озиқ-овқат ва қандолатчилик маҳсулотлари, янги сабзавотлар, туман хўжаликларида тайёрланган мева шарбатлари савдо пештахталарини тўлдириб турипти. Иккинчи қаватда эса саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, уй-рўзғор буюмлари, мебеллар билан савдо қилиняпти.

Дўкон раҳбари Тўрахўжа Алихўжаевдан харидорлар нималарни кўпроқ харид қилаётганлигини, уларни нималар қизиқтираётганлигини сўрадик.

— Намданак, Ҳисорак, Сўқоқ, Красногорск, Шампан, Невич, Кумушкон, Чанги каби қишлоқлардаги кўплаб аҳоли асосан Паркент марказига келиб савдо қилишарди. Бу ердаги дўконлар эса истеъмол талаблари ва эҳтиёжни қондира олмасди. Президентимизнинг халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва у билан савдо қилишни йўлга қўйиш ҳақидаги ғамхўрлиги биз учун айни муддао бўлди. Биргина хусусийлаштиришни олайлик. Илгари дўконлар давлатники эди. Биз фақат тайёр маҳсулотни сотар эдик, холос. Энди-чи, маҳсулотни ўзимиз топамиз, ўзимиз сотамиз. Дўконимизда 2 минг турдан ортиқ моллар бор. Саноат молларининг 30 фоизини хориждан, ҳамдўстлик давлатларидан келтирганмиз. Мана ёз ҳам келяпти. Янги, сифатли мева ва сабзавотларни етказиб бериш юзасидан «Соҳибкор» ишлаб чиқариш корхонаси ва туманимиздаги бошқа жамоа хўжаликлари билан шартномалар туздик.

— Хизмат — беминнат усулида савдо қилишни ҳам йўлга қўйганлигингиз яхши бўлибди.

— Ҳа, харидор энди телефонда 22-695 рақамларини терса бас.

Буюрган молларни истаган миқдорда ва истаган турда олиб бориб берамиз.

— Келгуси режаларингиз?

— Дўконнинг биринчи қаватида аҳолига хизмат кўрсатадиган новвойхона, яхна ичимликлар, қандолат маҳсулотлари тайёрлайдиган цехни жиҳозлашни бошлаб юбордик. Насиб этса уни Республикамиз мустақиллигининг тўрт йиллиги байрами арафасида ишга туширимоқчимиз.

Дўконни айланамиз. М.Исломова, Г.Йўлдошева, Д.Сайдуллаевларнинг хушмуомалалигидан, чаққон-чаққон хизмат қилишидан харидорлар ниҳоятда мамнун бўлаётирлар. Қани энди, мана шу «Дилноза» супермаркети сингари дўконлар кўпайса, дейишмоқда харидорлар.

Д АҲМАД.

Суратларда: «Дилноза» супермаркет дўконида.

Муаллиф олган суратлар.

ЯНГИЧА САВДО УСУЛИ

Чиноз тумани марказида Олмазор қўрғонида иккита супермаркет дўкони очилди.

Аҳолига сифатли ва арзон баҳоларда маҳсулотлар сотиш йўлга қўйилган ушбу савдо шоҳобчаларида ўз касбининг моҳир усталари Ф.Раимов, Ҳ.Йўлдошева, И.Мағзимов, Х.Жамоловлар хизмат кўрсатишмоқда. Дўконларда харидорларга минг хилдан кўпроқ истеъмол моллари таклиф қилиняпти. Уларнинг асосий қисми озиқ-овқат маҳсулотларидир. Шундай қилиб харидорлар битта дўкондан ўзлари истаган маҳсулотларни харид қилиш имкониятига эга бўлдилар.

О.МАЪМУРОВ.

ХОРИЖДА КАСБ ЎРГАНМОҚДАЛАР

Айни кунларда Жанубий Кореяда вилоятимиздан борган 52 нафар йигитлар ўқимоқдалар ва касб ўрганмоқдалар

Мустақил Ўзбекистоннинг чет мамлакатлар билан алоқаси мустаҳкамланиб бораётгани республика саноати учун ишчи ходимларни чет элларда тайёрлаш имконини ҳам бермоқда. Республика Меҳнат вазирлиги ўтган йилнинг ноябрь ойида Жанубий Кореянинг «Кито» ўқув маркази билан мамлакатимиз тўқимачилик саноати учун ишчи ходимлар тайёрлаш юзасидан ўзаро шартнома тузган эди. Тошкент вилояти Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоялаш бошқармаси ҳамда шаҳар ва туманлар меҳнат биржалари чекига ҳам у ерга бориб ўқиб, касб ўрганишни ҳоҳлаган ёшларни танлаш ва тайёрлаш вазифаси тушди. Меҳнат биржалари Жанубий Кореяга боришни истаган йигитлар орасидан соғлом, ўрта маълумотли, армия хизматини ўтаб келган 52 нафар йигитларни рўйхатга киритдилар. Ўзбек, корейс, рус, қозоқ ва бошқа миллат вакилларидан иборат йигитлар икки ойлик курсда корейс тилини ўргандилар. Ҳозир улар тўқимачилик саноати ривожланган Сеул, Пусан, Тэгу ва бошқа шаҳарлардаги корхоналарда касб ўрганмоқдалар.

Меҳнат вазирлиги, шунингдек, Тошкент вилояти меҳнат бошқармаси шартнома шартларига мувофиқ яна 200 нафар ёшларни Жанубий Кореяга юборишга тайёргарлик кўряптилар.

— Ўзбекистондан борган йигитлар учун у ерда барча шароитлар яратилган. Ўқиш ва иш ҳақи уларга АҚШ долларида тўланади, — деди бошқарманинг бўлим бошлиги Ортиқбой Каримов.

— Мен олти нафар ҳамшаҳарларим билан барча шароитларга эга бўлган ётоқхонада яшаб, тўқимачилик корхонасида ҳунар ўрганяпман, — деб ёзган ўз хатида Оққўрғон шаҳридан бориб ўқиётган Баҳром Миноваров. — Бу ерга келганимдан беҳад хурсандман. Корейслар жуда ҳам меҳнатсевар ва ёшларга меҳрибон экан. Ўзлари билган касб сирларини яширмай, биз билан баҳам кўришяпти. Мустақил Ўзбекистон учун малакали ишчилар тайёрлаётганимиздан беҳад хурсандмиз, дейишмоқда.

Р. ҚОДИРОВ.

«ҚУРАМА» — ХУСУСИЙ ФЕРМА

***СОБИР** Раҳимов номли ҳиссадорлик жамиятига қараши сут-товар фермаси «Қурама» фермер хўжалигига айлантирилди.*

— Ҳозир боқувимизда 190 бошдан зиёд сигир ва ғунажинлар бор, — деди фермер Сотиболди Комдаев. — Наслчиликни тўғри йўлга қўйиб, бу йил 74 бош сигирдан 74 бош соғлом бузоқ олдик. Ҳар бир говмушдан кунда 7-8 литрдан ошириб сут соғилмоқда. Лекин, бу чегара эмас. Ишни энди бошладик. Мақсадимиз чорвачиликни чинакам оёққа турғазиб олишдир.

Мутахассис чорвадор С.Комдаевнинг гапида жон бор. У моллар наслини яхшилаш, мустаҳкам озуқа заҳираларини яратишга катта эътибор бермоқда. Бугунги кунда чорва моллари тоғ бағридаги серўт яйловларда яйратиб боқилаётгани, 110 гектар суғориладиган майдонларда буғдой, маккажўхори, лавлаги ва беда баравж ривожланаётгани, мўл-кўл чорва озуқасига замин ҳозирланаётгани фикримизнинг ишончли далилидир.

Т.ШЕРАПИЕВ.
Оҳангарон тумани.

ФИДОЙИЛАР ҚЎЛИ ИЛА БУНЁД ЭТИЛГАН

Чирчиқ — 60 ёшда

БУГУН Чирчиқ шаҳрининг 60 йиллиги нишонланмоқда. Ўтган вақт мобайнида шаҳар йилномаси зарварақларида унутилмас воқеалар мазмуни мужассам топди.

Тарихи республикамизни электрлаштириш, Ўзбекистонда пахтачиликни ривожлантириш тарихи билан узвий боғланиб кетган шаҳарнинг бугунги иқтисодий қудрати, маданий қиёфаси, маънавий ҳаёти ўзгариб, тобора юксалиб, гўзаллашиб бормоқда.

Шаҳарнинг 60 йиллигига бағишланган материалларни газетанинг иккинчи саҳифасида ўқийсиз.

Чирчиқ — 60 ёшда

ФИДОЙИЛАР ҚЎЛИ ИЛА БУНЁД ЭТИЛГАН

ОДАМЛАР каби шаҳарларнинг ҳам ўзига хос «таржимаи ҳоли»бўлади. Бу «таржимаи ҳол» — ўтган йиллар, ҳозирги кунлар, истиқболдаги мақсадлар билан ўлчанади. Зотан, кечмишда амалга оширилган ишлар, айни пайтдаги бунёдкорлик одимлари, келажакдаги яхши режалар шаҳар тақдирида кўзгудагидек акс этади. Меҳнаткашларимиз орасида «шаҳримиз — Чирчиқ воҳасининг маликаси» деган гап юради. Чиндан ҳам Чирчиқ бугунга келиб, пойтахтимизнинг шимоли-шарқий минтақасидаги энг йирик ва кўркам саноат шаҳарларидан бирига айланди. У таваллуд топган кундан бошлаб, 60 йил ичида катта ва шонли йўлни босиб ўтди.



...Йиллар ҳикоясига қулоқ тутайлик: Чирчиқ воҳасини ўрганиш 1920 йиллардан кейиноқ бошланган эди. У маҳалларда шаҳар тугул арзигулик бир қишлоқ ҳам бўлмаган. Ниёзбек, Қипчоқ, Жалойир, Оролча, Қаттортол, Бештерак каби бир неча хонадонли аҳоли масканлари бўлган, холос. Катта йўл йўқ. Чўратроф бийдай дала, бепоён янтоқзорлар. Ёлғизоёқ сўқмоқлар Бўстонликдан Дўрмонгача чўзилиб кетган эди. Тошкентга одамлар 2-3 кунда пиёда бориб келишган.

1923 йилдан эътиборан воҳани тадқиқ этишга киришиладди. Сувдан электр қуввати олиш ва ундан фойдаланиш долзарб вазифа этиб қўйилади. Шу тариқа 1926 йилнинг 1 майида Бўзсув электр станцияси қувват бера бошлайди. Маҳаллий аҳоли умрларида биринчи марта «шиша ичида пиликсиз ёнган» чироқларни кўрадилар ва тааж-жубдан ёқа ушлайдилар. 1932 йил 28 апрелда яна иккита электр станцияси ва кимё комбинати қуриш тўғрисида қарор қабул қилинади. Барча ишларни мувофиқлаштирувчи «Чирчиққурилиш» ташкилоти таъсис этилади. Бинолар бунёд этиш, корхоналар пойдеворини ётқизиш, сув шоҳобчаларини қазиш, йўл қуриш, электр тармоқларини ўтказиш ишлари авж олиб кетади.

1934 йилнинг 1 майида эса алоҳида аҳамиятга молик воқеа содир бўлади. Асов дарё соҳилидаги улкан қурилиш майдонига Ўзбекистон оқсоқоли — Йўлдош ота Охунбобоев бошлиқ раҳбарлар ташриф буюрадилар. Катта митинг бўлади. Унда сўзга чиққан Ота Чирчиқни илк бор «шаҳар» деб атайди. Ўша кун шаҳарнинг таваллуд топган куни сифатида тарихга киради ва Чирчиққа шаҳар мақоми берилади. Йил охирига бориб Тошкентга поездлар қатнай бошлайди.

Ўзбекистон кимё саноатининг тўнғичи бўлмиш Чирчиқэлектркимё комбинати 1940 йилнинг ноябрь ойида ўзининг биринчи маҳсулотини ишлаб чиқарди, йил охирида эса деҳқонлар азот ўғитини ҳам олдилар. Бундай янги маҳсулотлар деҳқончилик, хусусан, пахта ҳосилдорлигини оширишда алоҳида аҳамият касб этади.

Бунёдкорлик ишлари шиддат билан давом этаётган пайтда уруш бошланди. Бутун имкониятлар фашизм устидан қозониладиган ғалабага қаратилди. Оғир кунлар бўлишига қарамай, «Ўзбеккимёмаш», «Чирчиқ қишлоқ хўжалиги машиналари», «Трансформатор» каби йирик корхоналар фойдаланишга топширилди. Сума шаҳридан кўчириб келтирилган машинасозлик заводи «Ўзбеккимёмаш» номи-ни олди ва маҳсулот бера бошлади. Ростовнинг «Ростсельмаш», Воронежнинг «Коминтерн» корхоналари асбобускуналари асосида Чирчиқ қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводи барпо этилди. Ленинграднинг «Электропульт» заводи кўчириб келтирилди. У ҳозирги трансформатор заводининг асоси бўлган эди.

Мазкур корхоналар, айни пайтда, республикамиз саноатининг энг йирик, замонавий корхоналарига айланган. 1956 йилда ишга туширилган Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинатининг ўрни ўзгача. Молибден, вольфрам сингари қийин эрувчи ва оловбардош металлардан турли буюмлар ишлаб чиқариш баайни мана шу ерда таваллуд топди. Ҳозир бу корхонада анъанавий маҳсулотлардан ташқари ўнлаб турдаги кенг истеъмол моллари ишлаб чиқарилмоқда. Ёритгич лампочкалардан тортиб, турли хил иситгичларгача бўлган буюмлар шулар жумласидандир. «Электркимё» ишлаб чиқариш бирлашмаси ўта пишиқ капролактам толалари, «Ўзбеккимёмаш»нинг турбиналари, компрессорлари, насослари, трансформатор заводининг 25 минг киловатт-ампергача бўлган ўта қувватли трансформаторлари, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводининг кўп қаторли культиваторлари, кўсак терувчи агрегатлари ва бошқа маҳсулотларимиз жаҳон бозорида ўз харидорларини кўплаб топмоқда.

Шаҳарда саноат билан бирга илм-фан ҳам тараққий этди. Кимё лойиҳалаш илмий-тадқиқот институти, Кимё-автоматика илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Мезон», «Металл» фирмалари, «Этиз» илмий-тадқиқот маркази, Тошкент давлат техника дорилфунуни, кимё технология институти куллиётлари изланишлари кейинги йилларда яхши самаралар беряпти.

Республикамиз мустақилликка эришганидан сўнгги ўтган даврда мобайнида шаҳримиз ҳаётида улкан ва жиддий ўзгаришлар юз берди. Айниқса, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотлар одамлар руҳиятини, дунёқарашини ижобий ўзанга солиб юборди. Ҳозирги кунда шаҳримизда мулкчиликнинг турли шаклларидаги 630 корхона рўйхатга олинган. Жумладан, 16 та ҳиссадорлик жамияти, 2 та жамоат корхонаси, 9 та қўшма корхона, 495 та кичик ва хусусий корхоналар, 53 та жавобгарлиги чекланган жамият, 57 ширкат, 2 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда.

Қурилиш имкониятларимиз ҳам салмоқлидир. Чирчиққурилиш ҳиссадорлик жамияти, қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинати, ғишт, асфальт-бетон заводлари салоҳияти жуда катта. Озиқ-овқат ва енгил саноат ривож топган. Кенг халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқарадиган корхоналаримизнинг маҳсулотларидан элюрт мамнун бўлмоқда.

Шаҳримизда 160 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Улар 70 миллат ва элатларнинг вакилларидир. Улар мамлакатимизда яратилган тинчлик ва осойишталикдан бахраманд бўлиб, бир оила фарзандларидек, яқдил ўй-фикрда яшамоқдалар ва меҳнат қилмоқдалар. Уларни ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан муҳофаза этиш бизларнинг муқаддас бурчимиздир. Саноат техникуми, тиббиёт билим юрти, иккита махсус техника билимгоҳи, енгил саноат лицейи, 26 та ўрта умумтаълим, учта мусиқа мактаблари, 4 та спорт, 8 та маданият саройи, бир нечта кинотеатрлар, 55 та мактабгача таълим-тарбия муассасалари, 60 дан зиёд кутубхоналар ва бошқа маданий-маърифий даргоҳлар улар хизматида. Шаҳримиздаги 4 та спорт мажмуида, 39 та машқ залларида, 12 та футбол ўйингоҳида, 7 та сузиш иншоотида ва бошқа қатор спорт майдончаларида меҳнаткашларимиз саломатликларини тиклаб, хордиқ чиқармоқдалар.

Шаҳар ўзидан-ўзи бунёд бўлмайди. Уни одамлар қуради, оёққа турғазади. Иқтисодий ва ижтимоий қийинчиликларга қарамай фидойи кишилар ўтмишда ўзгача ғайрат, ўзгача шижоат билан меҳнат қилганлар. Шаҳар қурилишининг дастлабки йилларида том маънодаги ертўлаларда, муваққат капаларда, очиқ ҳаво остида яшашларига қарамай, одамлар ғайритабиий равишда жонбозлик кўрсатганлар. Ўз юртини яшнатиш, ўз халқи ҳаётини фаровон қилишдек эзгу ният йўлида улар астойдил тер тўкардилар. Бугунга келиб тақдирлари шаҳар тарихи билан боғлиқ бўлган фидокор кишиларимиз — В. Қодиров, Т. Турдиалиев, Д. Шерчибоев, Р. Қамбаров, Э. Пирматов, О. Илёсов, А. Турсунбоев, Ҳ. Шокиров, З. Тошматов, М. Абдурашидов, Н. И. Ермолаева, З. И. Побединская сингари юзлаб бошқа фахрийларимизнинг номларини ҳурмат билан тилга оламиз.

Биз истиқболга катта ишонч билан қарамоқдамиз. Келажакда бизнинг иқтисодиётимиз, шубҳасиз, янги чўққиларга чиқади. Республикамиз Президенти Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида таъкидлаганидек, «...изланиш, ташаббускорлик, тадбиркорлик руҳи билан яшаш ва курашиш — бугунги кунниг энг долзарб масаласидир». Шу маънода оладиган бўлсак, шаҳримизнинг меъморий қиёфаси кундан - кунга ўзгариб, чирой очиб бормоқда. Янги биноларнинг қад кўтараётганлиги, шох кўчаларнинг бунёд этилаётганлиги, йўлларимизнинг таъмирланаётганлиги, Амир Темур, Алишер Навоий, Бобурмирзо каби улуғ сиймоларимиз номига қўйилган майдонлар, ҳиёбонларнинг кўпаяётганлиги фикримиз далилидир.

...Чирчиқликлар 60 йиллик тўйларини муносиб кутиб олмоқдалар. Йилнинг биринчи чорагини саноатчиларимиз анча дуруст якунладилар. «Электркимёсаноат» ишлаб чиқариш бирлашмасида маҳсулот ишлаб чиқариш суръати шу давр мобайнида 106,2 фоизни, «Чирчиқ қишлоқ хўжалиги машинасозлиги»да 102,2 фоизни, «Ғунча»да 104 фоизни, асфальт-бетон заводида 103,6 фоизни ташкил этди. «Трансфортматор», «Ўзбеккимёмаш», «Чирчиқсут», «Бахт», «Шарқ» ҳиссадорлик жамиятлари ҳам маҳсулотни кўпайтиришга эришдилар. 25 та саноат корхонасидан 19 таси маҳсулот ишлаб чиқаришда ўсишни таъминлади. Бунёдкорларимиз 222,5 минг сўмлик қурилиш ишларини бажардилар. Шаҳар бўйича 25263,7 минг сўмлик капитал қурилиш маблағлари ўзлаштирилди. Троллейбус йўлларини ишга тушириш бўйича ҳам саъй-ҳаракатларимиз давом этмоқда. Айни кунларда кўпгина меҳнаткашларимиз қурилган янги уйларга кўчиб кирдилар.

Маълумки 1995 йил — мамлакатимизда иқтисодни барқарорлаштириш йили деб эълон қилинди. Чирчиқликлар бу катта вазифани амалга оширишга ҳам ўзларининг арзигулик ҳиссаларини қўшадилар, деб ўйлайман.

Д. АЗИЗХЎЖАЕВ,
Чирчиқ шаҳар ҳокими.

ЙИЛЛАР, ОДАМЛАР, ТАҚДИРЛАР

Суратларда: (чапда юқорида) шаҳар марказида қад кўтарган маданий муассасалардан бири; яқинда фойдаланишга топширилган «Бахт» уйи ҳам Чирчиқ кўркига кўрк қўшди; (пастда чапдан ўнгга) Чирчиқ қишлоқ хўжалиги машинасозларидан бир гуруҳи; шаҳар оромгоҳлари меҳнаткашларнинг севимли масканига айланган.

Суратларни Д. АҲМАД олган.

МАҲСУЛОТЛАРИМИЗ БИЛАН ФАХРЛАНАМИЗ

КОРХОНАМИЗ мунтазам равишда йиллик режаларни ортиғи билан бажариб келмоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида 100 миллион сўмлик ўрнига 112 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Мустақил мамлакатимиз халқ хўжалигининг барча тармоқлари учун зарур бўлган янги ускуналар, аппаратлар тайёрлаб ўзлаштирилди. Муса Исмоилов, Вячеслав Эмиралиев, Анатолий Рижов, Шовкат Эрматов каби кўп йиллик тажрибага эга бўлган мутахассислар раҳбарлик қилаётган трансформатор, сим ўраш ва магнит симлар тайёрлаш,ёрдамчи станцияларни йиғиш, пайвандлаш цехлари жамоалари доимий равишда ташаббускорлик кўрсатиб келишаётир.

Шуни айтиш керакки, иқтисодий ислоҳотлар ҳар бир корхона бошқарувидан бугунги кун талабини билиб иш юритишни тақозо этмоқда. Биз бунга амал қиляпмиз. Россия, Украина, Қозоғистоннинг кўпгина корхоналари билан ҳамкорлик мустаҳкамланди. Маҳсулот алмашиш туфайли бир соат ҳам ишнинг тўхтаб қолишига йўл қўймадик. Ҳозир катта қувватли трансформаторларимиз, трансформатор ёрдамчи станциялари, республикамиз металлургия, нефтни қайта ишлаш, қоғоз ишлаб чиқариш, темир йўлларни электрлаштириш, трамвай ва троллейбус йўлларини узайтириш, Тошкент метрополитенини қувват билан таъминлашда ҳамда бошқа муҳим тармоқларда қўлланилмоқда. Биз бундан фахрланамиз.

Албатта, эришилган муваффақиятлар биз учун чегара эмас. Республика Олий Мажлиси сессиясида Президентимиз саноат корхоналарида янги-янги технология ва иш услубларини кенг жорий этиш зарур, дея таъкидладилар. Биз бундан буёнги ишларимизни баайни ана шунга қаратамиз.

Р. САРИМСОҚОВ,
Чирчиқ трансформатор заводи директори, Республика Олий Мажлиси депутати.

РАҲБАР ЕТАКЧИ БЎЛСА...

КЕЧҚУРУНЛАРИ мунтазам телевизор кўриб бораман. Кейинги пайтларда юртбошимиз қайси соҳада бўлмасин, ишнинг ривожи кадрларга боғлиқ эканлиги ҳақида тез-тез гапирадилар. Бунга корхонамиз жамоаси ўз фаолиятида ишонч ҳосил қилди. Заводга ишлаб чиқариш тажрибасига эга бўлган, тадбиркор инсон Абдуғаффор Фозилов раҳбар этиб тайинлангач, ҳар бир ходимнинг ўз хизматига бўлган муносабати ўзгарди. Интизом мустаҳкамланди, ўзаро аҳиллик кучайди.

Орадан сал ўтмай, илгарилари рўй бериб келган исрофгарчилик, сутнинг яроқсиз бўлиб қолишига чек қўйилди. Қуюлтирилган сут маҳсулоти ва қандолат цехи қуриб битказилгач эса ойлик маошларимиз ҳам ошди. Одамлар руҳи кўтарилди.

Яқинда бўлиб ўтган йиғилишимизда 1995 йилнинг биринчи чорагида корхонамизда 22,6 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилгани маълум бўлди. Режа анча ошириб бажарилибди. Шунингдек, раҳбаримиз заводда таъмирлаш, янги технологияларни жорий этиш тўғрисида ҳам тўхталдилар. Қисқа муддат ичида сир ва бринза тайёрлашнинг 10 тури ўзлаштирилгани, бу яхши самаралар бераётгани қайд этилди. Байрам олдидан эришилган ютуқларимиз билан бир-биримизни табрикладик. Демак, ютуққа эришиш кўп жиҳатдан раҳбарга боғлиқ экан.

Заводда илғор ишчилар тажрибасини оммалаштириш бўйича ҳам кўп тадбирлар амалга ошириляпти. Хусусан Л. Хозиева, М. Барсукова кабилар тажрибасини ўнлаб ишчилар ўргандилар ҳамда улар ўрнатилган янги ускуналарда муваффақиятли ишламоқдалар.

Б. ТОЖИБОЕВ,
Чирчиқ сут заводи хизматчиси.

ИСЛОҲОТЛАР САМАРА БЕРМОҚДА

БОЗОР иқтисодиёти бизни оғир синовга рўпара қилган эди. Олдимизда йирик муаммо турарди: ё корхонанинг маромдаги фаолиятини сақлаб қолиш ёки ишни йиғиштириш. Очиқ тоифадаги «Ўзбеккимёмаш» ҳиссадорлик жамияти бошқарувининг раиси Виктор Алексеевич Волгин жамоани тўплаб аҳволни тушунтирди. У ишлаб чиқарилаётган айрим маҳсулотларга талабнинг камайиб кетганлиги, баъзи тармоқлар зарар кўраётганлигини батафсил гапириб берди. Эндиги бирдан-бир муҳим вазифа — цехдаги ускуналарни таъмирлаб, даврга жавоб берадиган янги ускуналарни ўрнатиш ва маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш эди.

Лойиҳачилар, муҳандис технологлар ишга киришишди. Қисқа муддат ичида заводимизда озиқ-овқат саноати, нон маҳсулотлари корхоналари учун ускуналар, аппаратлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Юқори ва ўрта босимли шамоллатгичлар, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини консервалаш учун агрегатлар, крахмал тайёрлайдиган қурилмалар, ўт ўчирадиган кукун, трубокомпрессорлар, Тошкент метрополитенига мўлжалланган шамоллатгичлар, суюлтирилган газлар солинадиган баллонлар тайёрлаш ўзлаштирилди. Ҳозирги пайтда уларга тобора эҳтиёж ортиб бормоқда.

Биз технология соҳасидаги ислоҳотларни давом эттиряпмиз. Чунки, уларнинг самарасини кўриб, сезиб турибмиз. Хусусан, ўтган йили 88 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарилди. Кўрилган фойда ҳам салмоқли бўлди. Унинг ҳисобидан барча маданий-маиший, тарбиявий хизмат тизимларидаги шохобчалар, соғломлаштириш муассасалари сақлаб қолинди. Ёрдамчи хўжалик кенгайтирилди.

60 йиллик арафасида корхонада республика халқ хўжалиги учун зарур бўлган турли электр насослари ишлаб чиқаришни ҳам ўзлаштирдик. Целлюлоза тайёрлаш устида иш олиб борилмоқда. Шунингдек, нефтни қайта ишлаш ускуналарини тайёрлаш бўйича дастлабки лойиҳалар ҳозирлаб қўйилди. 1995 йилда 200 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқаришни ўз зиммамизга олганмиз. Бунга эришиш учун бор имкониятлардан фойдаланяпмиз.

Н. ЖЕМИЛОВ,
ишчи.

НОН — ЭНГ АЗИЗ НЕЪМАТ

ИНСОН истеъмол қиладиган неъматлар орасида энг азизи нон ҳисобланади. Ярим асрдан буён бу маҳсулотни эскича усулда, ўта оддий дастгоҳларда ишлаб чиқараётган эдик. Истиқлол фаолиятимизга ўзгаришлар киритди. Замонавий технологияни қўллашга кўпроқ эътибор берилмоқда.

Эндиликда республикада биринчи бўлиб унни қопсиз сақлаш усули бизда жорий этилди. Ҳозирги пайтда омбордаги ҳарорати бир маромли идишларда 300 тоннагача ун сақланмоқда.

Айни пайтда ички худудимизда ун ташувчи вагонлар хизматини йўлга қўйиш борасида ҳам заводимиз Ўзбекистонда ягона ҳисобланади. Бу янгилик фаолиятимиздан мустаҳкам жой олиши учун омборнинг ёнгинасида 220 метр узунликда темир йўл қурилди. Шу кунларда вагонлардаги юкнинг салмоғини ўлчайдиган тарози ўрнатиш тадбирларини кўряпмиз. Шу пайтгача бу ишлар корхонамиздан анча олисда бажариларди ва қўшимча харажатларга сабаб бўларди.

Ислоҳотлар туфайли иш унуми ортди яъни бир кеча-кундузда 48 тонна унни қайта ишлаб, 28 турда маҳсулот тайёрлашга эришяпмиз. Бундай натижа ўз-ўзидан келгани йўқ, албатта. Корхона раҳбарияти ишчиларга мунтазам ғамхўрлик кўрсатаётир, бу эса меҳнат кишиларида ўз хизматига иштиёқни кучайтирди.

Маъмуриятнинг тадбиркорлиги, шаҳар ҳокимлиги ва бир қатор корхоналарнинг фаол ёрдами билан заводни капитал таъмирлаш ниҳоясига етди. У кўз ўнгимизда янгидан туғилди.

Б. ПАРПИЕВ,
Чирчиқ нон заводи лаборатория мудири.

ЖАҲОН БОЗОРИ — ҲАЗИЛ ГАП ЭМАС

ИСЛОҲОТЛАР борасидаги мақсадимиз ягона. Корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини таъминлаш ва у ердан мустаҳкам ўрин эгаллашдир. Шу жиҳатдан олганда бизнинг қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинатимиз кейинги йиллар ичида сезиларли даражада ютуқларга эришди.

1995 йилнинг биринчи чорагида комбинатда 112,5 миллион сўмлик маҳсулот, шу жумладан 18,5 миллион сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилди. Бошқача айтганда, режа 102,1 фоиз бажарилди. АҚШ, Германия, Польша, Исроил, Ҳиндистон мамлакатларига юборилаётган маҳсулотлар ҳажми ўтган йилдагидан кўпайди. Жаҳон бозоридаги фаолиятимиз кенгайганлиги муносабати билан 1994 йил якунига кўра корхонамиз «Халқаро олтин глобус» совринини қўлга киритди. Мукофот Копенгаген шаҳрида топширилди.

Албатта, ҳар қандай ютуқ янги марраларга чорлайди. Имкониятларимиздан келиб чиқиб, асосий маҳсулотлар билан бирга халқ истеъмол буюмларини ҳам кўпайтиришга киришдик.

Шу йилнинг биринчи чорагида байрам шарафига ёрдамчи цехлар ишга тушди. Уларда коммунал хизмат соҳаси учун зарур бўлган асбоблар, мебеллар тайёрлашда қўлланиладиган ҳар хил деталлар ишлаб чиқарилмоқда. Аёллар устки кийимлари кичик корхонаси ҳам иш бошлади.

Бизнинг бугунги асосий вазифамиз — кун сайин иш унумини ошириб бориш ҳамда ўзимиз жорий этган янги технологиялар кувватидан тўла фойдаланишдир. Байрам муносабати билан цехларда авж олдирилган мусобақа ана шунга йўналтирилган.

Р. БУРХОНОВ,
Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати аппаратчиси.

«ЧИРЧИҚ — 60 ЙИЛ» БОШҚОТИРМАСИ

БЎЙИГА: 1. 1934 йилда шаҳар қурилишида бўлиб «Ўзбекистоннинг мўъжизалар водийси» очеркини ёзган чех ёзувчиси. 2. Чирчиқ дарёси бориб қуйиладиган дарё. 3. Шаҳар саноатининг йирик корхоналаридан бирида ишлаб чиқариладиган маҳсулот. 4. Уруш даврида трансформатор заводи эвакуация қилинган шаҳар. 7. Чирчиқ дарёсининг энг йирик ирмоқларидан бири. 8. Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводи маҳсулотлари экспорт қиладиган мамлакатлардан бири. 10. Шаҳар саноати маҳсулоти. 15. Чирчиқ ён бағридаги тоғ. 19. Чирчиқ ГЭСлар каскадига қарашли электр станцияси.

ЭНИГА: 5. Шаҳар ўрнида бўлган қишлоқ. 6. Чирчиқ кўчаларидан бирининг номи. 9. Шаҳарда Ватан урушида ҳалок бўлган чирчиқликлар хотирасига ўрнатилган ёдгорлик акс эттирилган қуш. 11. Шаҳар асосини ташкил этган қишлоқлардан бири. 12. Чирчиқ шаҳри қурилишига биринчи ғишт қўйган инсон. 13. Шаҳарда биринчилардан бўлиб муҳандис-кимёгар мутахассисини олган олим. 14. 1971 йилгача Чирчиқ дарёсини ҳосил қилган ирмоқлардан бири. 16. Кўп нусхали рўзнома. 17. Электр кимё саноати ишлаб чиқариш бирлашмаси маҳсулоти. 18. Чирчиқдан чиққан биринчи Меҳнат қаҳрамони. 20. Четга экспорт қилинадиган маҳсулотлардан бири. 21. Чирчиқ дарёси бошланадиган сув омбори. 22. Шаҳардаги А. Навоий номли кинотеатр лойиҳасини яратган меъмор. 23. 1947 йилда шаҳар бош режа чизмасини тузган меъмор. 24. Чирчиқ шаҳрига қўшни бўлган туман.

Тузувчи: Шавкат ҲИДОЯТОВ.



Долзарб мавзуда суҳбат

ПИЛЛАЧИЛИКНИНГ ҲАМ ЭГАСИ БЎЛАДИ

КЕЙИНГИ йилларда қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланган пиллачиликнинг ҳам оқсаб қолганлиги афсусланарлидир, албатта. Бунинг ўзимизга боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган сабаблари бор. Ҳозирги кунда ҳукумат ёрдами, вилоят ҳокимлигининг саъи-ҳаракатлари билан пиллачиликда ҳам ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Тармоққа раҳбарлик тизими янги изга солинди. Шу юзасидан бир қатор тадбирлар ҳаётга татбиқ этилаётир. Мухбиримиз шу хусусда пиллачилик бўйича туман ширкатлари ишини мувофиқлаштирувчи вилоят кенгашининг бош агрономи Абдураҳим АЗИЗОВ билан суҳбатлашди.

— Абдураҳим Азизович, мана, сиз қарийб ўттиз йилдан буён шу лавозимда ишлайсиз. Пиллакор меҳнатининг машаққатини, «сир»ларини яхши биласиз. Янги талаблар, янгича режалар муносабати билан тармоқдаги аҳволни ҳар жиҳатдан таҳлил қилиб чиқдинглар. Айни кунларда қурт боқишнинг қандай ташкил қилинганлиги ҳақида сўзлашишдан олдин ўзингизнинг мулоҳазаларингизни билдирсангиз: пиллачилик нега ночор аҳволга тушиб қолди? Айб кимда? Нима учун пиллакорлар қурт боқишдан безиб қолишди?

— Ҳалолига кўчадиган бўлсак, асосий айб ўзимизда. Раҳбарликнинг нотўғри йўлга қўйилганлигида бўлди. Гап шундаки, айрим раҳбарлар бозор иқтисодининг ўзига хос талаблари-ю, қийинчиликларини ҳисобга олмадилар. Модомики, биз ўзимизни ўзимиз эплашимиз, тебратишимиз керак экан, фақат фойда берадиган соҳа билан шуғулланишимиз зарур, деб бир ёқлама фикр юритдилар. Натижада айрим хўжаликлар, ҳатто, айрим туманлар пилла қурти боқишдан воз кечдилар. Фойдаси бўлмаганидан кейин нима қиламиз? — дейишди. Лекин бу билан улар деҳқонларнинг ризқини қийдилар. Ахир пилла қишлоқ хўжалик йилининг биринчи ҳосили ҳисобланади. Ана шу ҳосилнинг яхши бўлиши, кейинги қишлоқ хўжалик ишларига кўприк бўлади. Қолаверса, узоғи билан бир ой давом этадиган бу мавсумда пилла боққанлар анча иқтисодларини мутаҳкамлаб оладилар.

Айрим пайтларда пиллага тўланадиган ҳақни ололмаяпмиз, деган гапларни ҳам эшитган бўлсангиз керак. Бунда ҳам асосий айб раҳбарларга бориб тақалади. Буни кўриб, билиб, эшитиб яхши иш бўлмаяпти, энди бундан буён пилла қурти боқиш анча қийин бўлади, деган мулоҳазалар билдирилади. Аксарият пиллахоналарнинг раҳбарлари бундай маломатларга йўл қўймаслик учун ҳаракат қилганларидан кўз юмиб бўлмайди. Улар давлатдан қарз олиб бўлса ҳам хўжаликларга улар топширган пилла учун ҳақни, пулни етказиб бердилар. Лекин, минг афсуски, баъзи хўжалик раҳбарларининг айби билан бу пуллар эгаларига ўз вақтида етказилмади. Чунки хўжаликлар иқтисодларининг ночорлигини баҳона қилиб, пиллага ажратилган маблағдан бошқа мақсадларда фойдаландилар. Оқибатда пиллакорларнинг ҳафсаласини пир қилиб, руҳини тушириб юбордилар. Бирники мингга мингники туманга, деб шуни айтадилар-да.

— Лекин бир нарсани тан олиш керак. Пиллакорларга бир вақтлардагидек эътибор билан қаралмаяпти.

— Бундан кўз юмиб бўлмайди. Пилла давлат буюртмасидан чиққандан сўнг назаримда у эгасизланиб қолди. Ҳақиқатан ҳам бир вақтлари ҳар мавсумда мавсум олдидан ва мавсум якунида уларнинг кенгашлари бўларди, пиллакорлар ноёб буюмлар билан таъмин этиб туриларди. Улар саёҳатларга олиб чиқиларди. Ҳозир эса деярли бундай ишлар бўлмаяпти. Буни тушуниш ҳам мукин. Бозор иқтисоди деганларидек.

Бунинг устига қурт боқувчилар мавсумда айрим муаммоларга дуч келиб қоладилар. Зарур восита ҳисобланган тўшама қоғози етишмайди. Илгари бундай қоғоз Россиядан келтирилардида, алоқа узилгач, таъминот ҳам бузилди. Лекин, ишбилармон раҳбарлар йўлини топишмоқда. Вилоят ҳокимлиги пиллакорлар аҳволини, уларнинг эътироз ва талабларини ҳар тарафлама ўрганиб чиқди. Масала қатъий қилиб қўйилди. Ҳокимликнинг саъй-ҳаракати билан қисқа вақт ичида бир қанча ишлар амалга оширилди. Бу йил вилоят бўйича пиллакорларга 2 минг тонна ун тарқатиб чиқилди. Бундан ташқари улар 6 килограммдан ёғ, баҳоли қудрат гуруч, шакар ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминландилар.

Вилоят пиллакорлари эҳтиёжи учун 100 тонна тўшама қоғоз зарур экан. Бу муаммо ҳам зудлик билан ҳал этилмоқда. Ҳозиргача 70 тоннаси келтирилди, қолгани ҳам етиб келади. 11 минг тонна кўмир зарур эди. Хўжаликларга шартнома асосида ҳозирги кунга қадар 6 минг тоннадан ортиқ кўмир етказиб берилди.

Яна бир хайрли ишни айтиб ўтмасдан бўлмайди. Вилоят ҳокимлиги пиллачиликдаги қолоқликка барҳам бериш, соҳа ходимларига амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида пилла ҳосили етиштиришга кўмаклашувчи махсус вилоят комиссиясини тузди. Комиосияга бевосита шу ишга масъул раҳбарлар, мутахассислар, тажрибакорлар киритилган. Бундай комиссиялар ўз навбатида туманлар ва хўжаликларда тузилди. Айни кунларда гуруҳ аъзолари қизғин иш олиб бормоқдалар. Улар бевосита жойларда пиллакорлар билан мулоқотда бўлиб, мулоҳазаларини эшитиб, ҳал этилиши зарур бўлган масалаларни мутасаддилар олдига кўндаланг қилиб қўйибгина қолмай, уни назорат ҳам қилиб бормоқдалар.

— Пиллачиликка раҳбарлик тизимида ҳам жиддий ўзгаришлар рўй берибди...

— Бу замон талаби, республикада пилла уюшмаси фаолият кўрсатга бошлади. Вилоят пиллахоналари ширкатларга айлантирилди. Пиллахона ишчи-хизматчилари, хўжаликларнинг аъзолари, қурт боқувчилар ширкатларга аъзо қилиб олиндилар. Оққўрғон пиллахонаси вилоятда биринчи бўлиб, «кумуш тола» ишлаб чиқарувчи хусусий корхонага айлантирилди. Унинг ўз ҳисоб рақами бор. Қисқа вақт ичида анча-мунча ишларни амалга оширди. Тегирмон қурди, бошқа кичик корхона ҳам ишга тушди. Йил охиригача барча пиллахоналар хусусий ширкатларга айлантирилади. Ана шунга мувофиқ бизнинг пиллачилик бошқармамиз иш юритиш тартиби ҳам ўзгарди. Биз туман ширкатлари ишини мувофиқлаштирувчи пиллачилик кенгаши сифатида фаолият кўрсатмоқдамиз. Ўз низомимиз бор. Раисни сайлаймиз, Республика пилла уюшмаси олдида ҳисоб бериб турамиз. Пиллахоналар—хусусий шаркатлар хўжаликлар билан тузилган шартнома бўйича иш олиб борадилар.

— Абдураҳам ака, суҳбатдан маълум бўлдики, ҳақиқатан ҳам пиллачиликни ҳар жиҳатдан юксалтириш, аввалги мавқени тиклаш юзасидан қизғин иш бошланибди.

— Ниятимиз ҳам, албатта, аввалги мавқени тиклаш. Бу йил 25 минг қути қурт уруғи жонлантирилиб, 19 минг пиллакорга тарқатилди. Ҳар қути қурт уруғидан ўртача 55 килограммдан ҳосил олиш учун кўраш боряпти.

— Озуқа базаси ҳақида нима дея оласиз?

— Вилоятимизда миқдор жиҳатдан оладиган бўлсак, тутзорлар ҳам, қатор қилиб экилган тутлар ҳам етарлидир. Энди ҳамма гап тежамли фойдаланишда қолган. Биласиз бир вақтлари ҳар йили хўжаликлар олган ўғитларининг маълум бир қисмини тутзорларни озиқлантиришга сарф қилар эдилар. Лекин бозор муносабати билан бу анъана «бузилди». Чунки ҳаддан ташқари қимматлашиб кетган минерал ўғитларни сотиб олиш учун ҳамманинг ҳам қурби етмайди. Лекин айрим хўжаликлар эпини қилмоқдалар, имконият қидириб топмоқдалар, фойдаланмоқдалар. Бу ўринда бекободликларнинг тажрибасини ўрганса арзийди. Бу туманда барча тутзорларга маҳаллий ўғит шарбат қилиб оқизилди. Ҳаво қуруқ келаётган ҳозирги шароитда бу ғоят фойдали тадбирдир. Афсуски, ҳамма ерда ҳам бекободликлар кўраётган тадбирлар амалга оширилмаяпти.

— Ипак қуртларининг аҳволи қалай?

— Асосий қисмининг ҳолати яхши. Олди жойларда 22 апреллан қурт боқишга киришилган эди. Мақсад 22-25 иш кунида қуртларни дастага киритиб олиш. Даста масаласи ҳам юз фоиз ҳал этилган. Юқоричирчиқ, Оққўрғон, Қуйичирчиқ туманларида қурт боқиш анча намунали ташкил этилган.

— Бу йил меҳнатга ҳақ тўлаш қандай бўлади?

— Хўжаликлар шартнома асосида сотилган пилланинг ҳар бир килоси учун ўртача 40 сўмдан ҳақ оладилар. Лекин бу чегара эмас. Агар пилла сифатли, тола тушуми юқори бўлса, бундан ҳам қимматга сотишлари мумкин.

— Пиллакорларга қандай маслаҳатингиз бор?

— Маслаҳат беришдан ўзимни тийганим маъқул. Сабабки, бизда ўз ишининг миришкори, ҳар бир тадбирни шароитга қараб, мавсум талабаларини ҳисобга олиб амалга оширадиган, кўпйиллик тажрибага эга бўлган ажойиб пиллакорлар меҳнат килишади. Уларга ўргатишнинг ҳожати йўқ. Лекин кайфиятларини яхши қилиб, юмушларини енгиллатиб, таъминотни яхшилаб, муаммоларини ҳал этиб турсак бўлгани. Мен ўйлайманки, вилоят ҳокимлиги ҳозирнинг ўзидаёқ пиллакор меҳнатини қадрлаш юзасидан амалий ишларни бошлаб юборди. Бу яхши самара бериши турган гап.

Суҳбатдош Н. РИҲСИЕВ.

ЭҲТИЁТИ ЯХШИ

ҲАР КИЛОГРАММ пилланинг не-не машаққатлар билан бунёдга келишини яхши биламиз. Ана шу бебаҳо бойликни авайлаб-асраш биринчи галдаги вазифадир. Бу, аввало, пилла қурти боқаётган кишилардан бутун мавсум мобайнида қуртхоналарда ёнғиннинг олдини олиш қоидаларига қатъий риоя этиш ва вақтида барча эҳтиёт чораларини кўриб қўйишни тақозо этади.

Қуртхоналарнинг тоза ва баҳаво бўлиши, маромида ёритилиши ва иситилиши мўл ҳосил гаровидир. Шу боис электр ёритгичлардан фойдаланганда уларни ойна тўсиқлар билан тўсиб қўйиш, электр симларининг қанчалик тўғри ўтказилганини, албатта, текшириб туриш талаб қилинади. Қуртхоналарнинг олдида чекиш ва уларга яқин ерда гулханлар ёқиш қатъиян ман қилинади. Хоналарни иситиш учун фақат заводда тайёрланган электр иситгич асбобларидангина фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Мавсум охирида маълумки, кўп миқдорда пилла йиғилиб қолади. Уни қуритиш жараёнида ёнғич чиқмаслиги чораларини кўриб қўйиш шарт. Пилла қуритиладиган жойлар одатда ёнмайдиган материаллар билан тўсиб қўйилади. Ён-атроф қуриган ўтўланлардан, албатта, тозаланиши лозим.

Пилла қуритиладиган бостирмаларни алоҳида таянчларга ўрнатилган прожекторлар ёрдамида ёритган маъқул. Вақтинчалик электр симларини тортиб келиш ғоятда хавфли. Иссиқлик етказиб берувчи қурилмалар, жумладан, СК-150 ва бошқа шу каби агрегатларни ишлатганда ҳам эҳтиёт чораларини кўриш керак.

Ёнғиндан муҳофаза чораларига амал қилиш, ўт ўчириш асбоб-ускуналарининг ҳар эҳтимолга қарши доимо шай туриши моддий неъматларимизни хавф-хатардан асрашнинг энг ишончли гаровидир.

Т.МАҲКАМОВ,
Вилоят ИИБ ЁСБ ёнғин назорати бўлимининг муҳандиси, ички хизмат лейтенанти.

ДИҚҚАТ, АУКЦИОН!

Республика Кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилояти бўлими ва вилоят давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси Тошкент тумани ҳокимлиги билан биргаликда

КИМ ОШДИ САВДОСИНИ ЎТКАЗАДИ:

Савдога қўйилади
ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН:

МАНЗИЛИ	БОШЛАНҒИЧ НАРХИ СЎМ
1.Бўстонлиқ тумани Ғазалкент шаҳри Уй-жой ичида қурилган савдо дўкони	
2. Юқоричирчиқ тумани 48 хонадонли уй биноси	1181970
Болалар боғча биноси	131260
Бордонкўл қўрғони Мактаб биноси	811000
3. Зангиота тумани	
Ётоқхона биноси	23780
Кумариқ қўрғони Мактаб биноси	285370
4. Тошкент тумани Охунбобоев ж/х Мактаб биноси	1542040
Абдураҳмонов ж/х Мактаб биноси	298440
Келес ш. Шифохона биноси	243300
Келес ш. СЭС биноси	1162610
С.Раҳимов ж/х Ҳаммом биноси	91400
Дорихона бошқарма базаси биноси Тошкент шаҳри	6648350

АРИЗАЛАР ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ:

— ТОШКЕНТ ШАҲАР, ХОРАЗМ кўчаси, 51, 2-қават, 82-хона

(Тошкент вилоят ҳокимлиги биносида)

Ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача.

Мурожаат учун телефонлар:

Тошкент шаҳрида 33-38-42. Код. 3712

КИМ ОШДИ САВДОСИ ТОШКЕНТ ҲОКИМЛИГИНИНГ МАЖЛИСЛАР ЗАЛИДА 31 МАЙ КУНИ СОАТ 11.00 ДА БОШЛАНАДИ.

ДИҚҚАТ, АУКЦИОН!

Республика Кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилояти бўлими ва вилоят давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси Охангарон тумани ҳокимлиги билан биргаликда

КИМ ОШДИ САВДОСИНИ ЎТКАЗАДИ:

Савдога қўйилади:
1. Ўй-жой қуриш ва хусусий ёрдамчи хўжалик олиб бориш учун ер участкалари.

№ Ер участкасининг манзили	Ер участкалари сони	Бир участканинг сатҳи (кв/м)	Бошланғич нархи (сўм)
1. ОҲАНГАРОН ш.			
Қўрғон-1. кўчаси	4	600	21.000
2. Қўрғон-1. кўчаси	4	400	14.000
3. Шарқ кўчаси	4	600	21.000
4. Шарқ кўчаси	4	400	14.000
5. 2-пр. Репин	3	600	21.000
6. 3-пр. Репин	2	600	21.000
САВДО ИНШООТЛАРИ, ЕР УЧАСТКАЛАРИ:			
1. ОҲАНГАРОН ш.			
4-кичик ноҳиясида	3	24.0	2.472
2. Тинчлик ва Навоий кўчаларининг кесишган чорраҳасида	1	100.0	35.000

ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН:

ОҲАНГАРОН ТУМАНИ	Бошланғич нархи (сўм)
1. Эйвалек қўрғони 60 хонадонли уй биноси	48.320
2. Эйвалек қўрғони Касалхона биноси	5083.110
3. Тут қўрғони №13 мактаб биноси	30.690
ИНШООТЛАРИ:	
1. Омборхона СА-1 АО «Хонобод»	500.000
2. Омборхона СА-2 АО «Хонобод»	500.000
3. Тара базаси АО «Хонобод»	500.000
4. Қурилиши битказилмаган маиший хизмат комплекси ери билан	662.852

АРИЗАЛАР ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ:

— ТОШКЕНТ ШАҲАР, ХОРАЗМ кўчаси 51, 2-қават, 82-хона

(Тошкент вилоят ҳокимлиги биносида)

— Оҳангарон тумани (Туман ҳокими биносида), хусусийлаштириш бўлимида ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача

Мурожаат учун телефонлар:

Тошкент шаҳрида: 33-38-42 Код 3712

Оҳангарон туманида 52-694 Код 264

КИМ ОШДИ САВДОСИ ОҲАНГАРОН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИНИНГ МАЖЛИСЛАР ЗАЛИДА 29 МАЙ КУНИ, СОАТ 11.00 ДА БОШЛАНАДИ.

ҲАФТАЛИК ТВ КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 15

ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Мультфильм.
18.20 «Ёшлик» студияси. «Яхшиларга эргашиб».
18.50 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шариф Султонов концерти.
19.15 Футбол шарҳи.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар
19.55 «Ижодий учрашувлар». Зулфия.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 Япония ҳақида ҳикоялар. «Ҳар гиёҳ ардоқка арзир».
22.00 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Нефтчи» — «Пахтакор».
23.30—23.55 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. «Кўзмунчоқ».
19.00 Шифокор билан мулоқот.
19.45 «Тафсилот».
20.00 «Излаган имкон топади».
20.30 «Самарали изланишлар».
21.00—22.25 «Шаҳарликлар». Бадиий фильм.

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10—18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 «Мульткарусель».
18.55 «Бозор иқтисодиёти сабоқлари».

«ОМАД» таништиради:
19.30 «Совға».
20.00 «4/8». Мусиқий кўрсатув.
20.20 Жаҳон географияси.
21.10 Эълонлар.
21.15 Видео — «О».
22.55 Эълонлар.
23.00 «Курьер».
23.20 «...яна об-ҳаво ҳақида».
23.30 «Постфактум».
23.40—24.00 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
17.55 «Тиғиз пайт».
18.15 «Аляска Кид». Телесериал. 13-серия (якун-ловчи).
19.05 «Биз». В. Познернинг муаллифлик кўрсатуви.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.45 А.И. Солженицин билан учрашув.
21.00—22.05 «Марюс». Телесериал. 1-фильм. 1-серия (Литва киностудияси).

СЕШАНБА, 16

ЎзТВ I

6.00—8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 «Метичара—денгиз жонивори». Бадиий фильм.
9.25 «Ёшлик» студияси. «Мактубларингизни ўқиб».
10.00 Немис тили.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Физика.
11.00 Ўзбек мумтоз ашулалари.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Зоология.
12.00—14.00 «Биз танлаган йўл». Видеоканал.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Кичкинтой» студияси. «Доно бобо даврасида».
18.40 «Ҳуқуқий жамият сари».
18.55 «Шифокор бўлай дейман». Кўкон тиббиёт билим юрти — 70 ёшда.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Бир асар тарихи. Ойбек. «Навоий».
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 «Мен туғилган тупроқ».
21.50 Бир жуфт қўшиқ.
22.10 «Олтин мерос». Халқ артисти Аббос Бакиров.
23.10—23.35 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
18.30 «Мультфейерверк».
19.00 «Табиат дунёси».
19.50 Янгиликлар.
19.55 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.15 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
20.40 Видеогид.
21.00 «Теле-ателье-шоу».
21.10 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.50—23.30 «Кинонигоҳ».

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10—18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 «Мульткарусель».
18.55 Телефильм.
19.05 «Ўтиш даври иқтисодиёти».
19.25 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

«ОМАД» таништиради:
20.15—23.15 «СПОРТ ҚИТЪАСИ».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
5.00—8.00 «Телетонг».
* * *
18.00 «Тиғиз пайт».
18.20 «Турмуш икир-чикирлари». Телесериал.
18.50 «Миниатюра».
19.00 «Людмила Касаткинанинг йўллари».
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.45 «Марюс». Телесериал. 2-фильм. 1-серия.
21.45 «Ривоятлар».
22.05 — 22.45 «Барча юлдузлар кабареси».

ЧОРШАНБА, 17

ЎзТВ I

6.00—8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 «Яшаш учун туғилганлар». Бадиий фильм.
9.25 «Оламни асранг!».
10.00 Алифбо сабоқлари.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Адабиёт.
11.00 «Соғлом авлод учун».
11.20 «Ёшлик» студияси. «Фахрийлар—фахримиз».
12.10 «Кашф этилаётган имкониятлар».
12.40 «Сирли сандиқ». Телеўйин.
13.35 — 14.05 «Чорраҳа».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Ўсмирлар учун. «Умид учқунлари».
18.45 «Ислоҳот ва масъулият».
19.10 Шеърий дақиқалар.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Спорт хабарномаси.
20.05 «Хотира». Аҳмаджон Исмоилов.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 Бевосита мулоқот.
22.20 «Яна Фармонбиби хонадонида». Кинокўрсатув.
23.05—23.30 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 «Ўз ҳақингда гапир...»
19.00 «Ёдингдами, дўстим...»
19.15 «Абадий ёдгорликлар».
19.45 «Диққат, репетиция!»
20.25 «Тошкент оқшомида».
21.25—23.05 «Кинематограф».

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10—18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 «Мульткарусель».
18.55 Телефильм.
19.05 «Ўтиш даври иқтисодиёти».
19.25 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

«ОМАД» таништиради:
20.15—23.15 «СПОРТ ҚИТЪАСИ».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
5.00—8.00 «Телетонг».
* * *
18.00 «Тиғиз пайт».
18.20 «Турмуш икир-чикирлари». Телесериал.
18.50 «Миниатюра».
19.00 «Людмила Касаткинанинг йўллари».
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.45 «Марюс». Телесериал. 2-фильм. 1-серия.
21.45 «Ривоятлар».
22.05 — 22.45 «Барча юлдузлар кабареси».

ПАЙШАНБА, 18

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 «Бешинчи «Б» да ўқийдиган шумтака». Бадиий фильм.
9.25 «Ёшлик» студияси. «Мўъжизалар оламида».
10.00 Инглиз тили.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Ўзбекистон халқлари тарихи.
11.00 Ўсмирлар учун. «Садоқат».
12.00 Шифокор экрани.
12.25—14.45 «Маърифат» видеоканали.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Сехрли мўйқалам».
18.30 «Тараққиёт».
18.50 «Санъат олами».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Кекса санъаткорлар». Кутлимурод Ҳожиев.
20.20 «Юзма-юз».
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 Ўзбекистон телевидениеси-да вилоят студияларининг кўрсатувлари. Экранда—Қорақалпоғистон.
22.10 «Олтин мерос». Мақсуд Шайхзода.
23.10—23.35 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
18.30 «Омад» тақвими.
18.35 «Кўнгил».
18.40 «Жозиба».
19.00 «Бир шингил ҳангома».
19.10 «Ишингиз бароридан келсин!»
19.20 «Муҳаббатга ошно қалблар».
19.40 «Теле-ателье-шоу».
19.50 Видео янгиликлари.
20.15 Янгиликлар.
20.20 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.05 «Кинонигоҳ».
22.45—23.05 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10—18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 «Мульткарусель».
18.55 «Спорт-тайм».
19.25 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.15 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
20.35 «Ёшлик» студияси. «Эъзоз».
21.15 «Безнен мирас»(татар тилида).
22.00—23.00 «Дурдаршн» телекомпаниясининг кўрсатувлари.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
5.00—8.00 «Телетонг».
* * *
18.00 «Тиғиз пайт».
18.25 «Турмуш икир-чикирлари». Телесериал.
18.50 «Миниатюра».
19.00 «Людмила Касаткинанинг йўллари».
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.45 «Марюс». Телесериал. 2-фильм. 1-серия.
21.45 «Ривоятлар».
22.05 — 22.45 «Барча юлдузлар кабареси».

ЖУМА, 19

ЎзТВ I

6.00—8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 «Сакраш ҳуқуқи». Бадиий фильм.
9.35 Инглиз тили.
10.05 «Ёшлик» студияси. «Талабалик йилларим».
10.30 Ўқув кўрсатуви. Умумий биологмя.
11.00 «Қувноқ созим». Глиэр номидаги республика мактаб-интернати ўқувчиларининг чиқиши.
11.35 «Ҳуқуқингизни биласизми?»
12.05 «Гул кўп, чаман кўп».
12.35—13.05 Янги китоблар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Вазият».
18.45 «Алпомиш авлодлари». Спорт кўрсатуви.
19.05 «Ўзбекистон «Мерседес»лари».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак!».
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 «Баҳор мангу қолади». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Раҳматжон Қурбонов иштирокида концерт. Халқлар Дўстлиги саройидан ёзиб олинган.
23.00 «Ёшлик» студияси. «Оталар сўзи—ақлнинг кўзи».
24.00—00.25 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 «Экология ва ҳаёт».
19.00 «Билиб қўйган яхши».
19.25 «Гўзаллик бунёдкорлари».
20.00 «Фильмлар ва тақдирлар». Кинокўрсатув (рус тилида).
20.40—22.15 «Қотилликда айбланадилар». Бадиий фильм. Телесериал.
18.55 «Эслаб, излаб». Кўрсатувни Г.Скороходов олиб боради.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.40 «Москва, Кремль».
21.05—22.35 Кино асри. «Биз ҳеч қачон ўлмаймиз». Бадиий фильм (Венгрия, 1991 й.).

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10—18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 «Мульткарусель».
18.55 Телефильм.
19.05 «Ўтиш даври иқтисодиёти».
19.25 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

«ОМАД» таништиради:
20.15—23.15 «СПОРТ ҚИТЪАСИ».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
5.00—8.00 «Телетонг».
* * *
18.00 «Тиғиз пайт».
18.20 «Турмуш икир-чикирлари». Телесериал.
18.50 «Миниатюра».
19.00 «Людмила Касаткинанинг йўллари».
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.45 «Марюс». Телесериал. 2-фильм. 1-серия.
21.45 «Ривоятлар».
22.05 — 22.45 «Барча юлдузлар кабареси».

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10—18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 «Мульткарусель».
18.55 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.45 «Марюс». Телесериал. 2-фильм. 2-серия.

ШАНБА, 20

ЎзТВ I

6.00—8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 «Уран сайёрасининг йўлдоши». Бадиий фильм.
9.35 «Қирқ ҳунар ҳам оз».
10.15 Беҳбудий. «Падаркуш». Телеспектакль.
11.20 «Ўзбектелефильм» студияси фильмларининг телевизион фестивали ҳақида.
12.05 «Ёшлик» студияси. «Ғазалхон ёшлигим».
12.45 «Қишлоқ ҳаёти».
13.35—14.15 «Дил номалари». Мусиқий кўрсатув.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Ўсмирлар учун. «Ёттига етти». Телеўйин.
18.45 «Мозийга бир назар».
19.15 Спорт хабарномаси.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Нафосат гулшани». Халқ артисти Қундузхон Миркаримова саҳналаштирган рақслар.
20.30 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 «Тимсол» видеоканали.
23.00 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
23.10 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
9.00 «Мультфейерверк».
9.30 «Табиат дунёси».
10.20 Янгиликлар.
10.25 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
10.45 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
11.10 Видеогид.
11.30 «Теле-ателье-шоу».
12.20 «Кинонигоҳ».
14.00—18.30 «СПОРТ ҚИТЪАСИ».
* * *

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. «Табассум».
19.10 «Мусиқий меҳмонхона».
20.10 «Ҳайвонот оламида».
20.30 «Оқ соя».
21.00 Эстрада жилолари.
21.20—23.00 «Кинематограф».

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
10.00 «Подиум».
10.20 «Ташрифлар ва таклифлар».
10.50 «Келинг, бир кулишайлик».
11.20 «Булоқлар кўз очганда».
11.50—12.30 «Биздан озод ва обод Ватан қолсин!».
* * *
17.10—18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 «Мульткарусель».
18.55 «Нон таъми».
19.15 «Рангинкамон» (тожик тилида).
19.55 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
20.20 «Кашфиётлар ва ихтиролар».
21.00 «Дидар» (қозоқ тилида).
21.40 «Би-Би-Си» янгиликлари.
21.50 «Эллада».
22.25 «Бу ажиб дунё».
22.45—22.55 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
6.30—7.45 «Телетонг».
* * *
18.10 «Роҳибаларнинг оёғи ерга тегмайди». Кинокомедия премьераси (Англия).
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.45 «Марюс». Телесериал. 2-фильм. 3-серия.
21.50 «Юракдан куйлашни хоҳлайман». Татьяна Матвеева куйлайди.
22.

Ўчмас у кунлар шуҳрати

ТАЪЗИМ

ЗАНГИОТА тумани фахрийлар кенгашининг раиси Мирза Аҳмедов Эшонгузар қўрғони марказида осмону фалакка бўй чўзган, душман ўқига учган бўлса ҳам қўлида қуролини маҳкам тутганича олдинга ташланаётган аскар йигитнинг бронзали гавдасини кифтида тутган ёдгорлик ёнида бир ҳикоя сўзлаб берди:

— Бугун шу ерга келаётиб хонободлик Зулфия ая Зокировани ёдга олдим. Ая бири-биридан ботир 5 нафар ўғлини — Маҳмуджон, Аҳмаджон, Юсуфжон, Ваҳобжон, Орифжон Холматовларни ўстириб-улғайтириб, юзлаб ҳамқишлоқлари қаторида урушга кузатиб қўйгандилар. Оғаиниларнинг бешови ҳам жанг майдонларида шаҳид кетдилар. Ая эса колхоз юмушлари билан овуниб, келинлари, набиралари қуршовида фарзандлари йўлида кўзлари ниғорон бўлиб йилларни йилларга улаб, вақтларини ўтказдилар. Ҳатто ўлим тўшагида ётганларида ҳам ўғиллари номини тилдан қўймадилар. Ҳамқишлоқлари қишлоқдаги 25-ўрта мактабни уруш қатнашчилари ёки меҳнат фахрийлари номи билан эмас, балки Зулфия аянинг номи билан аташни маъқул кўриб, менимча жуда ҳам тўғри қилишди. Негаки, бутун туриш-турмуши сабр-бардошдан иборат шу аёлни она-юрт ва унинг барча оналари тимсолига қиёсласа арзийди.

Фашизмга қарши уруш бошланган дастлабки кунларданоқ зангиоталик минглаб Зулфия аялар ўз падари бузрукворлари, умр йўлдошлари, нури-дийдаларини жангу-жадалларга кузатиб қолишди. Уруш ғалаба билан поёнига етгач, ўн мингдан, зиёд жангчилардан фақат тўрт минг нафаригина ўз қишлоқларига эсон-омон қайтиб келдилар. Бироқ беомон йиллар, жангларда орттириб қайтилган асоратлар улар сафини ҳамон сийраклатмоқда. Мирза Аҳмедовнинг айтишича, туман бўйича ҳозир фақат 513 нафар собиқ жангчиларгина қолибдилар, холос. Туман ҳокимилиги уларнинг барчасини бугун-урушда ҳалок бўлганлар хотирасига ўрнатилган ёдгорликни очиш маросимига таклиф қилган.

...Эрта тонгданоқ Эшонгузар қўрғони марказига одамлар оқиб кела бошлади. Отахон ва онахонлар кўксини қатор-қатор орден ва медаллар безаган. Йиллар ўз изини қолдириб ўтган ажинли чеҳраларда ажиб бир нур балқийди. Кимлар қулоч ёзиб омонлашаяпти, кимлар соч-соқоли оппоқ оқарган бошларини бир-бирлари елкасига қўйиб, кўзларида ёш сизиб, кўришаётирлар:

— Эсингдами, оғайни фронтдаги ўша кунлар?..

Ҳа, унутиб бўлармиди ўша қонли жанггоҳларни?... Унутиб бўлармиди, ўша жон берилган даҳшатли дамларни?.. Кўплар қатори Қатортол қишлоғидан Ислом Усмонов ҳам кетмонини аёлига топшириб, жанг майдонига отланганди «Ҳамма фронтга, ҳамма фашистларга қарши жанг» деган умумхалқ даъвати янграганида. Ўшанда у Запорожье шаҳрини фашист газандаларидан озод қилаётиб ҳужум чоғида кўкси билан душманпулемётидан ёғилаётган ажал сўқмоғини тўсиб ҳалок бўлишини ва ўз умри паёни билан юзлаб қуролдош дўстлари ҳаётини сақлаб қолишини билармиди? Бугун орадан ярим аср вақт ўтган бўлсада, йигит ёши билан тириклар қаторига қайтган Ислом Усмоновнинг қишлоғи марказида ўрнатилган ҳайкали кўкрагида қаҳрамонлик Олтин Юлдузи порлаб турибди. Айтишларича Запорожьеда ҳам унинг ҳайкали ўрнатилибди, одамлар ҳар куни ўз ҳалоскорлари пойига янги узилган гуллар дастасини қўйиб, уни ҳурмат-эҳтиром билан хотирлар эканлар. Зангиоталик бундай қаҳрамонларнинг сони кўп. Зотан қўлда қурол билан жанг майдонига киришнинг ўзи ҳам катта жасорат эмасмиди ўшанда?..

Ёдгорлик майдони томон келаётганлар сафи тобора қалинлашиб боряпти. Ана, улар орасида кўкси тўла орден ва медал, аста-аста одим ташлаб бораётган икки онахон — Назарбек қишлоғидан Хайрихон Назарова ва Иттифоқ қишлоғидан Мастура Холматова. Улар ҳам урушнинг дастлабки кунлариданоқ кўнгилли бўлиб фронтга отланиб, ғолиб бўлиб қайтишди. Ана, қўлтиқлашиб келаётган Тоҳира Мўминова ва Пўлат Мўминов. Уларнинг бири автоматчи, иккинчиси медицина ҳамшираси эди. Тақдирлари қўшилган экан, жанггоҳда учрашиб қолиб, ана шундан бери биргалар. Ували-жували, қўшақариган пиру-бадавлат бува ва бувилар.

Соат 10.00. Ёдгорлик майдони меҳмонларни ўз бағрига сиғдиролмай қолди. Ўзбекистон давлат мадҳияси янгради. Мустақил республикамиз ҳарбий қисмлари биридан келган жангчилардан иборат фахрий қоровул саф тортди. Туман ҳокими Ҳасан Нурматов тантанали митингни очар экан, аҳолини Ғалабанинг 50 йиллиги байрами билан қизғин табриклади. Ҳозир бўлган зобитлар урушда ҳалок бўлганлар хотираси учун автоматлардан бараварига ўт очиб, салют бердилар. Сўнг туман аҳолиси ва уруш фахрийлари ёдгорлик пойига гулдасталар қўйдилар, уларни хотирлаб таъзим бажо келтирдилар.

Р. ТУРСУНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

«ПОСТДА» — «НА ПОСТУ» ГАЗЕТАЛАРИ — 65 ЁШДА

МАМЛАКАТИМИЗ халқларининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлашдек шарафли вазифани муваффақият билан бажариб келаётган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва унинг қуйи тизимлари ходимларининг жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш юзасидан кенг кўламли фаолиятини ёритиб келаётган «Постда», «На посту» газеталари 65 ёшга тўлди.

Газета 1930 йилда нашр этила бошланганди. Дастлабки сонлариданоқ жамият учун ҳавфли иллат бўлган жиноятчиликка қарши кураш ва уни йўқотишни асосий вазифаси деб билган. Газета ўз саҳифаларида ички ишлар ходимларининг қонунчиликни мустаҳкамлаш, ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш учун қилаётган фидокорона меҳнатларини изчил ёритиб бориляпти. Мақола, очерк, репортаж ва хабарларда жиноятчиларнинг қора қилмишларини тезкорлик билан фош этаётган милиция ходимлари фаолияти ўз аксини топмоқда.

«Постда» — «На посту» газеталари айни пайтда республикамиз парламенти ва ҳукумати чиқараётган янги қонун ва қарорларни аҳоли ўртасида кенг тарғиб ва ташвиқ қилишга ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётир.

Биз ушбу рўзномалардаги ҳамкасбларимизни қутлуғ сана билан самимий муборакбод этамиз, ижодий ишларида катта муваффақиятлар тилаймиз.

«Тошкент ҳақиқати» таҳририяти.

ЁШ ТАДҚИҚОТЧИЛАР МАКТАБИ

Оҳангарон туманидаги Муқимий номли 8-мактаб қошида «Кичик фанлар академияси» фаолият кўрсата бошлади

ЮКСАК маънавият-келажак пойдевори дея қаралар экан, бу соҳада мактабнинг роли беқиёсдир. Мактаб ўқувчиларга фақатгина таълим-тарбия берибгина қолмай, балки уларда ижодкорлик-тадқиқотчилик қобилиятларини ўстиришга, ўз имкониятларини рўёбга чиқаришга жиддий эътибор бермоқ давр тақозосидир.

Зеро, ислоҳотларнинг истиқболли тақдири ёш авлодларимизнинг зукколигига, фаол мустақил тафаккурига, маънавий баркамоллигига боғликдир. Бу борада Оҳангарон туманидаги Муқимий номли 8-ўрта мактаб қошида фаолият кўрсатаётган «Кичик фанлар академияси»нинг ишлари эътиборга лойиқдир. Академия фаолияти экология, иқтисод, табиий фанлар тарихига бағишланган.

«Кичик фанлар академияси» аъзолари асосан мактабдаги иқтидорли ўқувчилардан иборат бўлиб, улар ҳозирда Оҳангарон воҳаси экологиясини фаол ўрганмоқдалар. Жумладан, воҳадаги энг йирик ишлаб чиқариш бирлашмаларидан бири «Оҳангаронцемент»нинг республика иқтисодиётидаги аҳамиятини ва бирлашмадан чиқаётган чанг тўзоннинг тарқалиш кўлами, кимёвий таркиби, йўл қўйилиши мумкин бўлган миқдор, бирлашма чиқиндиларининг тупроқ қоплами таркибига, атмосфера ҳавосига, воҳанинг асосий оби-ҳаёт артерияси — Оҳангарон дарёсига, аҳоли манзилгоҳларининг экологик ҳолатига таъсирини ўрганишиб, уларни бартараф этишнинг энг мақбул усуллари тўғрисида «экологик рецепт» тайёрламоқдалар.

Сўнгги пайтларда бирлашманинг техник ва технологик жиҳатдан замонавий жиҳозланиши сабабли корхона чиқиндилари тобора камайиб бормоқда.

Экологик башорат, ноосфера, чиқиндисиз технология, мониторинг каби экологик тушунчаларнинг мазмун ва моҳияти бошқа корхоналар мисолида ҳам таҳлил ва тадқиқ қилинмоқда.

Оҳангарон худудий табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ёш тадқиқотчиларнинг фаолиятларини маъқуллаб, қўллаб-қувватламоқда, зарур қўлланмалар, услубий йўл-йўриқлар билан таъминламоқда. Ўқувчиларни шунингдек дунё илми ҳазиналарига бебаҳо ҳисса қўшган ватандош-алломаларимизнинг ҳаёти ва жаҳоншумул илмий фаолиятлари жуда қизиқтиради.

Айниқса «буюк кузатувчи» Мирзо Улуғбекнинг илмий фаолиятини ўрганишга алоҳида эътибор берилмоқда. «Астрономия дарсларида Улуғбекнинг илмий меросидан фойдаланиш» мавзусида илмий тадқиқот ишлари (таниқли астроном М. Мамадазимов раҳбарлигида) олиб борилмоқда. Бу тадбирлар тадқиқот характерига эга бўлиб, ўқувчилар «янги» маълумотларни раёсат йиғилишларида, илмий-амалий конференцияларда намойиш этадилар. Ўқувчиларнинг фаол шахсий нуқтаи назарлари, очиқ фикрлар билан чиқишлари, уларда ноқиқлик санъатини ҳам ривожлантирмоқда.

Шуниси қувончлики, бу мактабни ўтаган ёш тадқиқотчиларнинг кўпчилиги экология, иқтисодиёт бўйича мухтасассис бўлиб етишдилар. Иқтидорли болалар анжуманларининг иштирокчиси Нодирабегим Юнусбек қизи эса ҳозир «Кичик фанлар» академиясининг президентидир.

Ажабмас, бу ёшлар келажакда Ўзбекистон илм-фанининг шонушуҳратини, обрў-эътиборини дунёвий миқёсларга олиб чиқса.

Рустам АБДУВОҲИД ЎҒЛИ.

ШУКРОНАЛИК

«Қариси бор уйнинг париси бор», — дейди халқимиз. Бу бежиз айтилмаган. Ҳақиқатан уларнинг бой ҳаётий тажрибалари, панд-насиҳатлари, йўл-йўриқлари бугунги кунимизда ниҳоятда зарур.

Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги «Истиқлол» маҳалласида ҳам пиру бадавлат, ҳаётнинг аччиқ-чучукларини бошидан кечирган отахон-онахонлар кўп. Бир неча ўғил-қизларни тарбиялаб, уйли-жойли қилган, эл хизматига топширган Ҳамидулла ака Жаҳонгиров, Сойибжон Ғойипназаров, Асад Кўчқоров, Одил Исабеков, Зоир Кўчқоров, Акбар Каримжонов, Тойир Маҳаматов ва бошқалар ана шундай умр соҳибларидир. Улар маҳалла оқсоқоли Муҳамбек Тўраев бошчилигида бир қатор хайрли, савобли ишларга бош-қош бўлмоқдалар. Фаолларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли байрам арафасида маҳалла марказида урушда ҳалок бўлганлар хотирасига ёдгорлик ўрнатилди. Унда урушда шаҳид бўлган 56 нафар маҳалладошларнинг исм-фамилиялари битилган.

Ғалаба байрами куни эса шу ёдгорликнинг очилиши муносабати билан дастурхон ёзилиб, ош берилди. Ҳалок бўлганлар хотирасига Қуръон тиловат қилинди. Ўтли жанггоҳлардан омон қайтган, фронт ортида фидойилик билан меҳнат қилган отахон ва онахонлар тўрдан жой олдилар. Уларга «Ғалабанинг 50 йиллиги» юбилей медали топширилди.

А.АЛИМУХАМЕДОВ.

Суратда: маҳалла фаоллари Ҳамидулла Жаҳонгиров, Соиб Ғойипназаров, Асад ва Зоир Кўчқоровлар.

Даврон АҲМАД олган сурат.

Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт

«БУЮК ИПАК ЙЎЛИ» — САТЕЛЛИТ ХАЛҚАРО ТУРНИРИ

ҒАЛАБА байрами арафасида Тошкентдаги «Динамо» теннис клубида «Буюк ипак йўли — Сателлит» халқаро теннис турнири байроғи кўтарилди. Бир ҳафта мобайнида тошкентлик теннис ихлосмандлари профессионал спортчилар ўртасидаги кескин ва муросасиз беллашувларнинг гувоҳи бўлишди. Бугун эса Самарқандда ушбу халқаро турнир давом эттирилади. Самарқандликлар 20 майда эстафетани фарғоналикларга топширадилар. 20-27 май кунлари Фарғонада мусобақалашган турнир иштирокчилари ушбу баҳсларнинг якунловчи босқичини Тошкентда — «Юнусобод» спортсоғломлаштириш мажмуида ўтказадилар.

Сателлит турнирини ўтказишдан мақсад катта теннис спорти оламига кириб келаётган ўсмирларнинг маҳоратини синаб кўришдир. Улар бу турнирда эришган натижаларга қараб дастлабки очколарга эга бўладилар. Профессионал теннис ассоциациясида ана шу очколарга қараб ўйинчиларнинг рейтинги белгиланади.

Ушбу халқаро турнирда республикамиз спорт шарафини Олег Огородов, Дмитрий Томашевич, Темир Ғаниев, Фарҳод Ғуломов, Вадим Куценко, Антон Иванов, Антон Кокурин каби спортчилар ҳимоя қилишмоқда. Мусобақаларда Руминия, Германия, Голландия, Испания, Исроил, Франция, Австрия, Италия, Швейцария, Словакия, АҚШ, Беларус, Чехия, Россия каби давлатлардан келган иқтидорли теннисчилар иштирок этишмоқда.

Сателлит турнирини республикамизда ўтказишда исроиллик теннис ихлосманди, бу соҳада йирик мутахассис ва тадбиркор Сассон Какшуриннинг хизматлари беқиёсдир. Мана, икки йилдирки, у мусобақаларга бош-қош бўлмоқда.

Мазкур халқаро турнир сентябрь ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун бўладиган халқаро турнир олдидан ёшлар учун жиддий имтиҳон бўлади. Халқаро теннис оламида шаҳдам қадам ташлаб бораётган Ўзбекистон теннисчилари жуда қисқа вақтда учинчи гуруҳдан биринчи гуруҳга ўтиш арафасида турибдилар. Уларни Хитой терма командаси билан бўладиган жиддий ҳал қилувчи ўйин кутмоқда. Агар ватандошларимиз мазкур учрашувда ғолиб келишса, кучлилар сафига йўлланма оладилар.

А. МАМАДАМИНОВ.

Суратда: «Буюк ипак йўли» — Сателлит халқаро турнирининг очилиш маросимидан лавҳа.

Муаллиф олган сурат.

ЮТИБ ТУРИБ, ЮТҚАЗИБ ҚЎЙИШДИ

БУГУН футбол бўйича олий табақа вакиллари саккизинчи тур ўйинларини ўтказишади. Вилоятимиз вакиллари — «Политотдел» Бухорода «Нурафшон» жамоаси меҳмони бўлади, «Чирчиқ» эса ўз майдонида Термиз армиячиларини қабул қилади. Эртага эса Фарғонада мавсумнинг энг муҳим ва қизиқарли учрашуви ўтиши кутилмоқда. Бунда икки пешқадам «Нефтчи» ва «Пахтакор» учрашади.

Еттинчи турда эса «Политотдел» ўз майдонида «Нефтчи» жамоасини қабул қилиб, олтинчи минутдаёқ олдинга чиқиб олди. Фарғоналиклар дарвозасига тўпни А. Винников киритди. 23-минутда Э. Маматов вазиятни тенглаштирган бўлса-да, жамоалар танаффусга 2:1 ҳисобида чиқиб кетишди. 43-минутда А. Винников яна «Политотдел»ни олдинга олиб чиқди. Бироқ чемпион чемпионлигини қилди. Ҳужумга зўр берган фарғоналиклар ҳисобни тенглаштирибгина қолмай, балки 4:2 ҳисобида ғолиб келдилар. Шу турнинг қолган ўйинларида қуйидаги натижалар қайд этилди: МҲСК — «Динамо» — 3:1, «Темирйўлчи» — «Навбаҳор» —0:2, «Сўғдиёна»— «Нурафшон» —6:2, «Пахтакор» — «Машъал» — 3:0, «Трактор» — «Чирчиқ» — 0:0, АСК — «Атласчи» — 1:0, «Наврўз» — «Янгиер»— 3:0.

футбол

МУТАХАССИСЛАР АНЖУМАНИ

Ўзбекистон футбол уюшмасида оммавий ахборот воситалари ходимлари учун матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Футбол федерацияси масъул котиби С. Эшмуҳамедов 15 майдан 20 майга қадар ФИФА дастури асосида ўтказиладиган «Футуро» халқаро семинар ҳақида ахборот берди. Унда мураббийлар, ҳакамлар, шифокорлар ва вилоятлар футбол федерациялари масъул котиблари малакаларини оширадилар. Машғулотларни ФИФА мутахассислари олиб боришади.

Шунингдек матбуот конференциясида биринчиликнинг дастлабки ўйинлари таҳлил қилинди, ҳакамларни ҳимоя қилиш, ўйин вақтида томошабинларнинг масъулиятини ошириш, интизомсиз ўйинчиларни қатъий жазолаш таъкидланди. Хусусан, МҲСК ҳужумчиси А. Бозоров ҳакамга қўл кўтаргани учун 10 та ўйиндан четлатилди. Фарғонанинг «Спартак» ўйингоҳи маъмурияти қаттиқ огоҳлантирилди.

«КРИСТАЛЛ» ИННОВАЦИЯ ФИРМАСИ

пул ўтказиш йўли билан

— «ихота» металл тўрлар, 20х20, 30х30, 50х50 мм. катталикдаги катакчалар;
— 20 литрли алюмин канистрлар;
— 100, 200 литрли металл бочкалар;
— кўндаланг кесими 30 см. бўлган оқ-қора тасвирли «Семурғ» телевизорлари;
— кўндаланг кесими 34 см. бўлган «Айва» моноблокларини

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

шунингдек, накд пулга
— рулонлардаги юмшоқ мебелларни қоплаш учун ишлатиладиган (Франция-Россия маҳсулотлари) сунъий чармларни

СОТАДИ

Телефонлар: (3712) 91-36-86 кундуз куни, 92-29-35 кечқурун телефон қилинсин.

«УЗРОСБУМ» ҚЎШМА КОРХОНАСИ

Нусха кўчириладиган, перфорланган ёзув қоғозлари, крафт, ёруғликка сезгир газета қоғозлари, ватман, картон, муқовабоп фергамент, калька, шилдироқ миллиметровка, бумвинил (коленкор), ўров А3, А4 форматлардаги (оқ ва кул ранг) ёзув қоғозларини; шунингдек, учламчи узатгичлар, креслолар, осма ва ўйма қулфлар, суғориш учун тебранма насосларни

СОТАДИ

Тошкентдаги телефонлар:33-52-38; 32-56-38.
Бизнинг манзилгоҳ: Буюк Турон кўчаси, 41- уй («Шарқ» концерни маъмурий биносининг 16-қавати).
Ички телефонлар: 56-38; 59-09.
Ўзингиз билан шахсингизни тасдиқловчи ҳужжатларни олиб келинг.

Қибрай яхна ичимликлар комбинати жамоаси «Ором» фирма савдоси дўкони директори

Борис Ильич ПЕСИКОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қилади ҳамда унинг оиласи ва яқинларига таъзия билдиради.

Қибрай яхна ичимликлар комбинати жамоаси аъзолари тақсимот бўлимининг собиқ бошлиғи

Орипжон Ҳамидович ЮСУПХЎЖАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этадилар ва марҳумнинг оила аъзолари ҳамда қариндош-уруғларига сабр-бардош тилайдилар.

А.Абдурахмонов номли жамоа хўжалиги бошқаруви ва касаба уюшма қўмитаси хўжалик раҳбари Аскар Адиловга рафиқаси

Нурсия АДИЛОВанинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOŞKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Муҳаррир: Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48 Эълонлар: 33-99-15, 32-57-27.

• Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.
• Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0195. 17198 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

"Шарқ" нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 18.30. 1 2 3 4 5 6